

**ФАРМАЦЕВТИКА ТАЪЛИМ ВА ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc. 04/30.11.2024. FAR.188.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ФАРМАЦЕВТИКА ТАЪЛИМ ВА ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**САРВАРОВА ДИЛФУЗА МУСУРМАНОВНА**

**«ЦЕРАКСИДОЛ» ВА «МЕДИОФЛАВИН» АНТИОКСИДАНТ ДОРИ  
ВОСИТАЛАРИНИ СТАНДАРТЛАШ ВА СИФАТИНИ БАҲОЛАШ**

**15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия**

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)**

**Сарварова Дилфуза Мусурмановна**

«Цераксидол» ва «Медиофлавин» антиоксидант дори воситаларини  
стандартлаш ва сифатини баҳолаш.....3

**Сарварова Дилфуза Мусурмановна**

Стандартизация и контроль качества антиоксидантных лекарственных  
средств «Цераксидол»и «Медиофлавин».....21

**Sarvarova Dilfuza Musurmanovna**

Standardization and quality control of antioxidant medicines «Ceraxidol» and  
«Medioflavin».....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**ФАРМАЦЕВТИКА ТАЪЛИМ ВА ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc. 04/30.11.2024. FAR.188.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ФАРМАЦЕВТИКА ТАЪЛИМ ВА ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**САРВАРОВА ДИЛФУЗА МУСУРМАНОВНА**

**«ЦЕРАКСИДОЛ» ВА «МЕДИОФЛАВИН» АНТИОКСИДАНТ ДОРИ  
ВОСИТАЛАРИНИ СТАНДАРТЛАШ ВА СИФАТИНИ БАҲОЛАШ**

**15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия**

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.2.PhD/Far134 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация фармацевтика таълим ва тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифаси ([www.ftti.uz](http://www.ftti.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталига ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Юнусходжаева Нодира Абдулхамитовна</b> фармацевтика фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонент</b>	<b>Абдуллабекова Вилоятхон Нуриллабековна</b> фармацевтика фанлари доктори, профессор <b>Хусаинова Райхона Ашрафовна</b> фармацевтика фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>ЎЗР ССВ ҳузуридаги «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» давлат муассасаси</b>

Диссертация ҳимояси Фармацевтика таълим ва тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.04/30.II.2024.Far. 188.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100114, Тошкент ш., Юнусобод тумани, 19- мавзе, 46,48- уй. Тел: (+99871) 202-05-50, e-mail: [iper@ftti.uz](mailto:iper@ftti.uz)).

Диссертация билан Фармацевтика таълим ва тадқиқот институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100114, Тошкент ш., Фармацевтика таълим ва тадқиқот институти, Юнусобод тумани, 19- мавзе, 46,48- уй. Тел: (+99871) 202-05-50).

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Н. Юнусходжаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, фарм.ф.д., профессор

**Ш.Ф. Искандарова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, фарм.ф.д., профессор

**А.Ф. Дусматов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фарм.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда аҳоли яшаш тарзининг турлича стресс ҳолатлари кўпайиб борганлиги сабабли, ҳозирги вақтда неврологик касалликлар орасида етакчи ўринлардан бирини сурункали цереброваскуляр касалликлар эгаллайди, уларнинг асосий клиник шакли дисциркуляцион энцефалопатия ҳисобланади. У ўз навбатида этимологик жиҳатдан атеросклеротик, гипертензив, аралаш ва веноз турларига ажратилади. Амалда, мия атеросклерози, артериал гипертензия ва уларнинг комбинацияси асосан турли ёш инсонларда учрайди. Шу муносабат билан маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналаримизда антиоксидант таъсирга эга бўлган, дори воситаларни ишлаб чиқиш, стандартлаш ва сифатини назорат қилиш таҳлил усулларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳондаги касалликларданмиа қон томир касалликлари таснифига кўра, дисциркуляцион энцефалопатия яъни бу бош миёда қон таъминотининг прогрессив етишмовчилиги, бош миё ўзгаришлари ва неврологик касалликлар бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунинг учун фармацевтика корхоналарида халқаро стандартларга жавоб берадиган антиоксидант таъсирли сифатли, безарар ва самарадор дори воситаларни ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига жорий қилиш талаб этилмоқда. Шу ўринда ишлаб чиқариладиган ҳар бир дори воситасини идентификация ва миқдорини аниқлай оладиган таҳлил услубларини ишлаб чиқиш ва валидациялашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикаимизда фармацевтика соҳасида кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда, шу жумладан антиоксидант препаратларни ишлаб чиқариш бўйича, маҳаллий фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарида, юқори сифатли ва безарар дори воситалар ассортиментини кенгайтириш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг иккинчи иловаси 85-бандида «Фармацевтика саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробар кўпайтириш ва маҳаллий бозорни таъминлаш даражасини 80 % етказиш....»<sup>1</sup> каби долзарб вазифалар белгиланган. Бу борада, маҳаллий хомашё асосида импорт ўрнини босувчи, антиоксидант юқори самарадорлик таъсирига эга, дори воситаларни олиш, уларни сифатини таъминлаш учун таҳлилнинг ишончли ва замонавий усулларини ишлаб чиқиш, тиббиёт амалиётида қўллаш мақсадида меъёрий ҳужжатларни тасдиқлатиш бўйича илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 январдаги ПФ-20-сон «Фармацевтика соҳасини тартибга солиш бўйичақўшимча чоратадбирлар тўғрисида» ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги ПФ-55-сон «2022-2026 йилларда

---

<sup>1</sup> «2022-2026 йилларда мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 -сон Фармони

республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4554-сон «2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг фармацевтика тармоғини ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ги, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сонли «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамизда инъекцион дори воситаларини ишлаб чиқариш, сифат назоратини амалга ошириш, таркибидаги асосий таъсир этувчи моддаларини аниқлаш ва фармакологик фаоллигини ўрганиш бўйича А.Н. Юнусходжаев, Х.Г. Ганиева, Қ.А. Убайдуллаев, А.Д. Тошпўлатова каби ўзбек олимларининг илмий тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга.

Антиоксидант таъсирга эга дори воситалари, уларни таркибидаги асосий таъсир этувчи моддаларни ўрганиш, стандартлаш, фармакологик фаоллигини аниқлаш бўйича дунё миқёсида бир қатор олимлар, жумладан А.Аlfadda, М.Сallam, В.Ј.Сnow, F.L.Rolfe, М.М.Lockhart, С.А. Шетекаури, Е.Д. Жучкова, О.Ю. Щепочкина, О.А. Горошко, В.Г. Кулес, С.Ю. Клепикова, Э.Ю. Соловьева, М.Б. Гокжаев, С.А. Трофимова, Т.А. Воронина, А.Д. Эрлих, Н.А. Грацианский, С.А. Румянцева, А.А. Кравчук, Е.В. Силина, О.А. Балунов, Н.В. Леонова кабиларнинг илмий изланишлари аҳамиятлидир.

Мазкур диссертация иши антиоксидант таъсирли “Цераксидол” ва “Медиофлавин” инъекцион дори воситаларини стандартлаш ва сифатини назорат қилиш бўйича биринчи илмий тадқиқот ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Фармацевтика таълим ва тадқиқот институтининг «Маҳаллий доривор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** «Цераксидол» ва «Медиофлавин» дори воситаларини стандартлаш ва сифатини баҳолашни замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллариини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

антиоксидант таъсирга эга маҳаллий «Цераксидол» ва «Медиофлавин» инъекциондори воситаларини ишлаб чиқишнинг долзарблигини илмий ва амалий жиҳатдан асослаб бериш;

«Цераксидол» ва «Медиофлавин» инъекцион дори воситаларини стандартлаш ва сифатини баҳолаш учун замонавий инструментал таҳлил услубларини ишлаб чиқиш ва валидациялаш;

«Цераксидол» инъекцион дори воситаси таркибидаги этилметилгидроксипиридин сукцинатни аниқлаш учун СФ ва ЮССХ таҳлил усулларини такомиллаштириш;

«Медиофлавин» инъекцион дори воситаси таркибидаги асосий таъсир этувчи моддаларни аниқлаш учун ЮССХ таҳлил услубини ишлаб чиқиш ва валидациялаш;

«Цераксидол» ва «Медиофлавин» инъекцион дори воситалари таркибидаги ёт аралашмаларни аниқлаш услубларини ишлаб чиқиш;

«Цераксидол» ва «Медиофлавин» дори воситаларини корхона фармакопея мақоласини ишлаб чиқиш ва уни тиббиётда қўллашга рухсат олиш учун ЎзР ССВ ҳузуридаги «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» давлат муассасасига тақдим этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида маҳаллий ишлаб чиқарилиши режалаштирилган асосий таъсир этувчи моддаси этилметилгидроксипиридин сукцинат субстанциясидан таркиб топган «Цераксидол» ҳамда янтар кислота, рибофлавин, N-метилглюкамин, рибоксин ва никотинамиддан иборат «Медиофлавин» инъекция учун эритмалариолинган.

**Тадқиқотнинг предмети** инъекция учун эритмаларни чинлиги ҳамда сифат кўрсаткичларини аниқлаш, уларни стандартлаш, тегишли меъёрий ҳужжатларни тайёрлаб, тиббиёт амалиётига татбиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни олиб боришда замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари, жумладан, спектрофотометрия (СФ), юпқа қатлам хроматография (ЮҚХ), юқори самарали суюқлик хроматографияси (ЮССХ), газ суюқлик хроматографияси (ГСХ), фармакологик ва микробиологик усуллар ҳамда замонавий компьютер дастурларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор маҳаллийлаштирилган «Цераксидол» ва «Медиофлавин» инъекция учун эритмаларини ишлаб чиқишнинг долзарблиги илмий ва амалий жиҳатдан ўрганилган ҳолда, ушбу дори воситаларни стандартлаш ва сифатини назорат қилиш усуллари ишлаб чиқилган;

биринчи марта «Цераксидол» ва «Медиофлавин» инъекция учун эритмалари таркибидаги учраши мумкин бўлган ёт аралашмаларни аниқлашнинг юпқа қатлам хроматографияси, замонавий физик - кимёвий таҳлил усулларида газ-суюқлик ва юқори самарали суюқлик хроматография услублари ишлаб чиқилган;

«Цераксидол» ва «Медиофлавин» инъекция учун эритмалари миқдорини аниқлашни физик - кимёвий таҳлилларидан СФ ва ЮССХ услублари ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган таҳлил услублари ICH Q2(R1) «Validation of Analytical Procedures: Text and Methodology» талаблари асосида валидацион кўрсаткичлар (усулнинг хусусийлиги, такрорланувчанлиги, аниқлилиги, чизиқлилиги, қўлланилиш соҳаси ва барқарорлиги) бўйича аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

«Цераксидол» ва «Медиофлавин» дори воситаларининг турғунлиги ва яроқлилиқ муддати аниқланган.

«Цераксидол» дори моддаси учун ишлаб чиқилган таҳлил услублари ушбу дори воситасининг корхона фармакопея мақоласига киритилган ва тасдиқланган;

ишлаб чиқилган миқдорий таҳлил усуллари «Цераксидол» ва «Медиофлавин» дори воситаларининг миқдорий таҳлил усулини валидация жараёнида қўлланилган ва самарадорлиги асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олинган натижаларнинг ишончлилиқ даражаси замонавий математик статистик таҳлил усуллар, физик-кимёвий (ЮССХ, масс-спектрометрия, спектрофотометрия), фармакологик текширувлар асосида тасдиқланган. Ишлаб чиқилган таҳлил усуллари ишлаб чиқариш корхоналарида синовдан муваффақиятли ўтганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, фармакологик фаоллиги ўрганилганда «Цераксидол» ва «Медиофлавин» инъекция учун эритмалари терапевтик самарадорлиги бўйича хорижий аналоглардан кам бўлмаганлиги, ҳамда тайёр дори воситаси сифатини баҳолаш усуллари унификациясини таъминловчи замонавий талаблар асосида стандартлаш усуллари ишлаб чиқилганлиги ва валидацияланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Цераксидол» инъекция учун эритмасига «MEDIOFARM» МЧЖ билан ҳамкорликда корхона фармакопея мақоласи лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тиббиёт амалиётига татбиқ этиш учун ЎзР ССВ ҳузуридаги «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» давлат муассасасига топширилганлиги билан изоҳланади ва ушбу меъёрий ҳужжатнинг тасдиқланиши тиббиёт амалиётида қўлланиладиган дори воситалар ассортиментини кенгайтиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Антиоксидант таъсирга эга тиббиёт амалиётида қўлланиладиган инъекция учун эритмаларни сифатини назорат қилиш ва стандартлаш усуллари ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Медиофлавин» препаратининг клиник олди синовлари ўтказилиб, ЎзР ССВ «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» давлат муассасасига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган («Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» нинг 2025 йил 8 майдаги 41/11-8336-сон хати). Ушбу корхона фармакопея мақоласининг тасдиқланиши антиоксидант дори воситаларини ишлаб чиқариш имконини беради;



«Цераксидол» дори воситаси корхона фармакопея мақоласи тасдиқланган (КФМ 42 Уз15098648-4935-2022). Натижада «MEDIOFARM» МЧЖда антиоксидант таъсирга эга дори воситасини ишлаб чиқариш имконини берган.

«Цераксидол» дори воситаси ЎзР ССВ «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» Давлат унитар корхонаси томонидан рўйхатдан ўтказилган (DV/M 04079/04/22). Мазкур препаратнинг рўйхатдан ўтказилиши уни маҳаллий фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқариш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги ОАК нинг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола (4 та республика ва 3 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши юзасидан маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг *«Дори воситаларни ишлаб чиқаришдаги замонавий ёндашувлар»* деб номланган биринчи бобида адабиётларда келтирилган маълумотлар таҳлили берилган бўлиб, бунга кўра дори воситаларини ишлаб чиқаришнинг ҳозирги замондаги ҳолати ва фармацевтика соҳасини ривожлантириш истиқболлари тавсифи, валидация унинг турлари ва аҳамияти, халқаро фармакопеяларда парентерал дори воситаларга қўйилган талаблар, синтетик антиоксидант инъекцион препаратлар ҳақида умумий маълумот, антиоксидант дори воситаларини Ўзбекистон Республикаси Реестри бўйича контент таҳлили ёритиб берилган. «Цераксидол» ва «Медиофлавин» инъекцион дори воситаларини замонавий тиббиётда қўлланилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Иккинчи боб *«Тадқиқот объектлари ва таҳлил усуллари»* деб номланган бўлиб, унда тадқиқот учун танлаб олинган дори воситалари, уларнинг таркиби, хусусиятлари бўйича маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари замонавий таҳлил усуллари, ёт моддаларни аниқлашда

қўлланиладиган таҳлил усуллари ва фойдаланилган реактивлар ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «*«Цераксидол» ва «Медиофлавин» дори воситаларини сифат таҳлил усуллари ишлаб чиқиш*» деб номланган учинчи бобида «Цераксидол» ва «Медиофлавин» препаратлари таркибидаги фаол таъсир этувчи дори моддаларининг замонавий таҳлил усуллари ишлаб чиқилган, идентификациялаш учун спектрофотометрия ва ЮССХ усуллари бўйича олиб борилган тадқиқотлар қўлами баён этилган. Ишлаб чиқилган таҳлил услублари ICH Q2(R1) «Validation of Analytical Procedures: Text and Methodology» халқаро раҳбарий хужжати талаблари асосида валидацияланган.


«Цераксидол» инъекцион эритмасини идентификация қилиш учун УБ-спектрофотометрия усули ишлаб чиқилди. Олинган натижалар 1-расмда келтирилган.



**1-расм. «Цераксидол» инъекция учун эритмасини УБ-спектри**

1-расмда келтирилган УБ-спектр натижаларига кўра, цераксидол стандарт намуна 296 нм да ва унга мос равишда текширилувчи намунада 297 нм максимум нур ютиш кўрсткичига эга чўққи ҳосил бўлди. Ишлаб чиқилган спектрофотометрия усули ва олинган натижалар «Цераксидол» инъекцион эритмаси КФМ нинг «Чинлигини аниқлаш» кўрсаткичига киритилди.


«Медиофлавин» инъекцион эритмаси таркибидаги рибофлавин идентификация қилиш учун УБ- спектрофотометрия усули ишлаб чиқилди. Олинган натижалар 2- расмда келтирилган.




**2-расм. «Медиофлавин» инъекция учун эритмасини УБ-спектри**

2-расмда келтирилган маълумотга кўра медиофлавин инъекцион эритмасини УБ- спектрида иккита максимум нур ютиш кўрсаткичини аниқлангани маълум бўлди, бу эса стандарт намуна эритмаси нур ютиш максимум кўрсаткичига мос келиши аниқланди.

**ЮССХ услубида таҳлили.** «Цераксидол» инъекцион эритмасини идентификация қилиш учун ЮССХ усули ишлаб чиқилди. ЮССХ усулида дори моддаларни идентификациялаш, ёт моддаларни ва миқдорини аниқлаш имконини беради. Дори моддасини идентификация қилиш бўйича хроматограммалар 3 ва 4- расмларда келтирилган.



**3-расм. Этилметилгидроксипиридин сукцинат ИСН эритмаси хроматограммаси**



**4-расм. «Цераксидол» инъекцион эритмаси таркибидаги этилметилгидроксипиридин сукцинатни хроматограммаси**


Ушбу 3-расмдаги хроматограммадан маълум бўлдики этилметилгидроксипиридин сукцинат ИСН нинг ушланиш вақти 6,520 мин. ни ташкил қилиб, 4-расмдаги цераксидол инъекцион эритмасидаги этилметилгидроксипиридин сукцинатни ушланиш вақти 6,514 мин. билан мос келди. Ишлаб чиқилган ЮССХ усули ва олинган натижалар «Цераксидол» инъекцион эритмаси КФМ нинг «Чинлигини аниқлаш» кўрсаткичига киритилади.

*«Медиофлавин» инъекцион эритмасини идентификация қилиш учун ЮССХ усули ишлаб чиқилди.* «Медиофлавин» инъекцион эритмаси таркибидаги янтар кислота, рибоксин, никотинамид, N-метилглюкамин миқдорини аниқлаш учун ЮССХ усули ишлаб чиқилди. Ушбу усул ЎЗР ДФ (2.2.29.) бўлимида келтирилган мақола асосида ЮССХ усули ишлаб чиқилди.


20 мкл текширилувчи эритма ва стандарт эритма навбатма-навбат рефрактометрик детектори бўлган суюқлик хроматографида хроматография қилинади ва қуйидаги шароитларда ҳар бир эритма учун камида 5 та хроматограмма олинади:

- колонка: Phenomenex LunaPhenyl-Hexyl ҳажми 250 x 4.6 мм, заррачалар ҳажми 5 мкм бўлган сорбент билан тўлдирилган;- кўзгалувчи фаза: А эритма - Б эритма, 97,5 : 2.5%;- кўзгалувчи фаза тезлиги -0,7 мл/мин;- детекторлаш 210 нм тўлқин узунлигида;- юборилувчи намуна ҳажми-20 мкл;- калонка ҳарорати-25°C;- хроматография вақти-30 мин.


Олинган хроматограммалар 5,6, 7,8 ва 9- расмларда келтирилган.




**5-расм. N-метилглюкамин ИСН  
хроматограммаси**




**6-расм. Никотинамид ИСН  
хроматограммаси**



**7-расм. Янтар кислота ИСН  
хроматограммаси**



**8-расм. Рибоксин ИСН  
хроматограммаси**



**9-расм. «Медиофлавин» инъекцион эритмаси таркибидаги N-метилглюкамин, никотинамид, янтар кислота ва рибоксин хроматограммаси**

5,6,7,8-расмларда келтирилган ИСН ларнинг хроматограммаларидаги N-метилглюкамин 0,684 мин., никотинамид 0,854 мин., янтар кислота 1,539 мин. ва рибоксин 3,343 мин. ушланиш вақтлари, 9-расмда келтирилган «Медиофлавин» инъекцион эритмаси таркибидаги N-метилглюкамин, никотинамид, янтар кислота ва рибоксин ушланиш вақтлари билан бирига мос келиши аниқланди.

Ишлаб чиқилган ЮССХ усули ва олинган натижалар «Медиофлавин» инъекцион эритмаси КФМ нинг «Чинлигини аниқлаш» кўрсаткичига киритилади.

«Цераксидол» ва «Медиофлавин» дори воситалари таркибидаги ёт аралашмаларни аниқлаш. Бугунги кунда фармацевтика соҳасида жуда кўп янги ва генерик препаратлар ишлаб чиқарилмоқда, уларнинг таркибидаги

моддаларни тўғри аниқлаш ва сифатини баҳолаш учун замонавий таҳлил усуллари ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади. Шу ўринда таркибидаги ҳар қандай ёт моддаларни аниқлаш ҳам долзарб масалалардан бири бўлиб, уларни доимо назоратини олиб бориш муҳимдир ва буни асосий кўрсаткич қаторига киритиш зарурдир. Дори воситалар таркибидаги ёт моддаларни аниқлаш учун ЮҚХ, ГСХ ва ЮССХ усуллари ишлаб чиқилди.


*ГСХ услубида аниқлаш.* Органик эритувчилардан метилен хлорид, метил спирти ва изопропанолнинг қолдиқ миқдорини аниқлаш учун ГСХ услуби ишлаб чиқилди.

Хроматография шароити: аланга- ионизацион детекторли хроматограф, Hewlett, Packard 5890, капилляр колонка ИР-20 (Carbowax 20 M) 30 м × 0,32 мм × 0,3 мкм ўлчамдаги, колонка ҳарорати 80°C, намуна киритиш блокиннинг ҳарорати 120°C, детектор ҳарорати 200°C, ташувчи газ истеъмоли: азот 30 мл/мин, водород 30 мл/мин; ҳаво 300 мл/мин, намуна киритиш ҳажми 1 мкл, интеграция параметрлари чўққилар график лентанинг жавоб шкаласининг камида 60% га тўғри келишини таъминлайдиган тарзда танланади. Хроматограф буғлатгичига кетма-кет намуналар 1 мкл дан юборилди. Олинган хроматограммаларда қолдиқ эритувчиларнинг чўққи майдони аниқланди.  $\text{CH}_2\text{Cl}$  (метилен хлорид) миқдори 0,06 % дан ва  $\text{CH}_3\text{OH}$  (метил спирти) 0,3 % дан ошмаслиги кераклиги аниқланди.


Олинган натижаларга кўра цераксидол инъекцион эритмаси хроматограммасида ёт моддалардан метанол, этанол, изопропанол ва метиленхлорид аниқланмади.

*ЮССХ услубида аниқлаш.* «Цераксидол» инъекцион эритмаси таркибидаги ёт моддаларни аниқлашнинг ЮССХ усули ишлаб чиқилди.


Этилметилгидоксипиридин сукцинат ишчи стандарт эритманинг асосий чўққиси майдони билан таққослаганда - 1% дан кўп бўлмаган ҳар қандай ёт аралашма аниқланади.



**10- расм. Бланк эритманинг хроматограммаси**




**11- расм. «Цераксидол» стандарт намунасининг хроматограммаси**




**12- расм. «Цераксидол» инъекция учун эритмасининг хроматограммаси**

Олинган хроматограммаларга кўра янтар кислота текширилувчи препарат таркибида жуда кам миқдорда аниқланиб препарат талабга жавоб бериши аниқланди. Ёт аралашма миқдори 2% дан ошмаслиги керак. «Медиофлавин» инъекцион эритмаси таркибидаги ёт моддаларни ЮССХ усулида аниқлаш. Бунда ёт моддалардан гипоксантин, гуанозин, никотин кислота ва идентификация қилинмайдиган ёт моддаларни аниқлаш услуби таклиф қилинди.



**13-расм. Гипоксантин, гуанозин ва никотин кислота стандарт намуналарининг хроматограммаси**



**14- расм. «Медиофлавин» инъекцион эритмаси таркибидаги ёт моддаларни аниқлаш хроматограммаси**

«Цераксидол» ва «Медиофлавин» дори воситаларини СФ усулида миқдорини аниқлаш. Дори воситасини миқдорини аниқлаш учун тайёрланган текширилувчи эритма ва этилметилгидроксипиридин сукцинатнинг ИСН эритмаси 240 дан 340 нм гача бўлган диапазонда ультрабинафша спектри ўлчанди. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**«Цераксидол» инъекцион эритмаси таркибидаги этилметилгидроксипиридин сукцинат миқдори ва усулнинг метрологик тавсифи (n=5; P=95%; t(p,f)=2,78; f=4)**

X <sub>i</sub> (%)	X <sub>ўр</sub> %	S <sup>2</sup>	S	ΔX	ΔX <sub>ўр</sub>	E%	E <sub>ўр</sub> %
0,049	0,049	0,0000023	0,00152	0,0042	0,0018	3,54	3,81
0,047							
0,051							
0,050							
0,050							

Олинган 1–жадвалдаги маълумотларга кўра «Цераксидол» инъекцион эритмаси таркибида этилметилгидроксипиридин сукцинат миқдори ўртача 0,049 %, ўртача нисбий хатолик эса ±3,81 % ташкил қилди. 1 мл препаратда C<sub>12</sub>H<sub>17</sub>NO<sub>5</sub> (этилметилгидроксипиридин сукцинат) нинг миқдори 0,045 дан 0,055 г гача бўлиши керак. Ишлаб чиқилган спектрофотометрия усули ва олинган натижалар «Цераксидол» инъекцион эритмаси КФМ нинг «Миқдорий таҳлил» кўрсаткичига киритилди. «Цераксидол» таркибидаги натрий метабисульфит миқдорини титрометрия усулида аниқланди. Олинган натижалар 2-жадвалда келтирилган.

**«Цераксидол» инъекцион эритмаси таркибидаги натрий метабисульфит миқдори ва усулнинг метрологик тавсифи ( $n=5$ ;  $P=95\%$ ;  $t(p,f)=2,78$ ;  $f=4$ )**


$X_i$ (г)	$X_{\text{ўр}} \text{ г}$	$S^2$	$S$	$\Delta X$	$\Delta X_{\text{ўр}}$	$E\%$	$E_{\text{ўр}} \%$
0,000860	0,00089	0,000002	0,0000200	0,0000556	0,000024	6,25	2,79
0,000880							
0,000900							
0,000900							
0,000910							

Олинган 2-жадвалдаги маълумотларга кўра «Цераксидол» инъекцион эритмаси таркибида натрий метабисульфит миқдори ўртача 0,00089 г, ўртача нисбий хатолик эса  $\pm 2,79\%$  ташкил қилди.

1 мл препаратда  $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_5$  (натрий метабисульфит) камида 0,15 мг ва кўпи билан 1,1 мг (камида 0,00015 г ва кўпи билан 0,0011 г) бўлиши керак.

**«Медиофлавин» инъекцион эритмаси таркибидаги рибофлавин миқдорини спектрофотометрия усулида аниқлаш**

Рибофлавин миқдорини аниқлаш учун спектрофотометрия усули ишлаб чиқилди.



**15-расм. «Медиофлавин» инъекция учун эритмаси таркибидаги рибофлавин УБ-спектри**

**«Медиофлавин» инъекцион эритмаси таркибидаги рибофлавин миқдори ва усулнинг метрологик тавсифи ( $n=5$ ;  $P=95\%$ ;  $t(p,f)=2,78$ ;  $f=4$ )**

$X_i$ (%)	$X_{\text{ўр}} \%$	$S^2$	$S$	$\Delta X$	$\Delta X_{\text{ўр}}$	$E\%$	$E_{\text{ўр}} \%$
0,00195	0,002	0,0000001	0,000061	0,00017	0,000076	8,51	3,81
0,00195							
0,00200							
0,00200							
0,00210							

Олинган 3-жадвалдаги маълумотларга кўра «Медиофлавин» инъекцион эритмаси таркибидаги рибофлавин миқдори ўртача 0,002 %, ўртача нисбий хатолик эса  $\pm 3,81\%$  ташкил қилди.

«Цераксидол» ва «Медиофлавин» дори воситаларини ЮССХ усулида миқдорини аниқлаш ва валидациялаш. «Цераксидол» инъекцион эритмасини миқдорини аниқлаш учун ЮССХ усули ишлаб чиқилди. Олинган натижалар 4-жадвала келтирилди.



**«Цераксидол» инъекцион эритмаси таркибидаги  
этилметилгидроксипиридин сукцинат миқдорини ЮССХ усулида  
аниқлаш ва усулнинг метрологик тавсифи (n=5; P=95%; t(p,f)=2,78; f=4)**

$X_i$ (%)	$X_{\text{ўр}}$ %	$S^2$	$S$	$\Delta X$	$\Delta X_{\text{ўрт}}$	$E\%$	$E_{\text{ўрт}}\%$
0,049	0,05	0,0000010	0,0010000	0,002780	0,001243	5,56	2,49
0,049							
0,050							
0,051							
0,051							

4-жадвалдаги маълумотларга кўра «Цераксидол» инъекцион эритмаси таркибида этилметилгидроксипиридин сукцинат миқдори ЮССХ усулида аниқланганда 0,05 %, ўртача нисбий хатолик эса  $\pm 2,49$  % ташкил қилди.

Ишлаб чиқилган ЮССХ усули ва олинган натижалар «Цераксидол» инъекцион эритмаси КФМ нинг «Миқдорий таҳлил» кўрсаткичига киритилади.

1 мл препаратда  $C_{12}H_{17}NO_5$  (этилметилгидроксипиридин сукцинат) нинг миқдори 0,045 дан 0,055 г гача бўлиши керак.

*«Медиофлавин» инъекцион эритмасини миқдорини ЮССХ усулида аниқлаш*

«Медиофлавин» инъекцион эритмаси таркибидаги янтар кислота, рибоксин, никотинамид, N-метилглюкамин миқдорини аниқлаш учун ЮССХ усули ишлаб чиқилди. Ушбу усул ЎзР ДФ (2.2.29.) бўлимида келтирилган мақола асосида ЮССХ усули ишлаб чиқилди. Олинган натижалар 5-жадвалда келтирилди.

**«Медиофлавин» инъекцион эритмаси таркибидаги N-метилглюкамин,  
никотинамид, янтар кислота ва рибоксинларнинг ЮССХ усулида  
миқдори ва усулнинг метрологик тавсифи (n=5; P=95%; t(p,f)=2,78; f=4)**

$X_i$ (%)	$X_{\bar{y}}$ %	$S^2$	S	$\Delta X$	$\Delta X_{\bar{y}}$	E%	$E_{\bar{y}}$ %
N-метилглюкамин							
16,742	16,8222	0,0190667	0,1380822	0,3838686	0,1716712	2,28	1,02
17,003							
16,906							
16,811							
16,649							
Никотинамид							
0,97410	0,9904	0,0001803	0,0134288	0,0373321	0,016695	3,77	1,69
1,01120							
0,98700							
0,99230							
0,98760							



Янтар кислота							
9,96610	9,75458	0,0221218	0,148734	0,413481	0,184914	4,24	1,90
9,59970							
9,62470							
9,78100							
9,80140							
Рибоксин							
1,91310	1,9526	0,0008199	0,028635	0,079606	0,035601	4,08	1,82
1,94551							
1,97250							
1,94470							
1,98740							

Олинган 5–жадвалдаги маълумотларга кўра «Медиофлавин» инъекцион эритмаси таркибидаги N-метилглюкамин миқдори 16,8%, никотинамид миқдори 0,99%, янтар кислота миқдори 9,75% ва рибоксинларнинг миқдори 1,95%, ўртача нисбий хатолик эса  $\pm 1,82$  % ташкил қилди. Ишлаб чиқилган ЮССХ усули ва олинган натижалар «Медиофлавин» инъекцион эритмаси КФМ нинг «Миқдорий таҳлил» кўрсаткичига киритилади.

Ишлаб чиқилган ЮССХ усуллари валидацияси. Ишлаб чиқилган ЮССХ усули валидацияланди. «Медиофлавин» препарати таркибидаги янтар кислота, никотинамид, рибоксин (инозин), N-метилглюкамин миқдорини аниқлашнинг юқори самарали суюқлик хроматографияси усулининг валидацияси ва олинган натижалар таҳлили ҳамда хулосалари келтирилган.

6-жадвал

#### ЮССХ усулини валидациялаш натижалари

№	Кўрсаткичлар	Баҳолаш критерияси «Цераксидол»	Баҳолаш критерияси «Медиофлавин»
1	Усулнинг хусусийлиги	Тасдиқланди	Тасдиқланди
2	Усулнинг такрорланувчанлиги	0,93463%	Нисбий стандарт оғиш 2% дан ошмади
3	Усулнинг аниқлиги	NMT $\pm 0,33\%$	NMT $\pm 0,25\%$
4	Усулнинг чизиқлилиги	Коррел – 0,9993	Коррел – 0,99
5	Усулнинг қўлланилиш соҳаси	$\pm 0,76\%$	$\pm 0,59\%$
6	Усулнинг барқарорлиги	$\pm 1$ нм	$\pm 1$ нм

Ишлаб чиқилган «Медиофлавин» дори воситаси таркибидаги янтар кислота, никотинамид, рибоксин (инозин), N-метилглюкамин миқдорини аниқлашнинг юқори самарали суюқлик хроматография усули валидация қилинганда валидацион кўрсаткичларнинг 6 тури бўйича ҳам баҳолаш кўрсаткичлари тасдиқланди. Бу ўз навбатида мазкур ЮССХ усулида аниқлаш мумкинлигини ва усулнинг валидацияланганлигини кўрсатди. Диссертациянинг тўртинчи боби ««Цераксидол» ва «Медиофлавин» дори воситаларини сифат кўрсаткичларини ва меъёрларини белгилаш» деб номланиб унда тадқиқотда қўлланилган препаратларнинг спецификацияси ишлаб чиқилган. Барча сифат кўрсаткичларини меъёрлари белгиланган.

**«Цераксидол» инъекцион эритмасини  
СПЕЦИФИКАЦИЯСИ**

<b>Кўрсаткич</b>	<b>Усуллар</b>	<b>Меъёри (спецификация)</b>
1	2	3
Тасвирланиши	Визуал	Шаффоф, рангсиз ёки озгина сарғиш эритма
Чинлиги: - этилметилгидрок- сипиридинсукцинат - янтар кислотаси  - натрий  - метабисульфит	СФ (2.2.25)  ЮССХ (2.2.29)  Кимёвий  Кимёвий Кимёвий	240 дан 340 нм гача бўлган тўлқин узунлигида $297 \pm 2$ нм ютилиш спектри максимал ютилишга эга бўлиши керак. Текширилувчи ва стандарт эритманинг асосий чўққисини ушланиш вақти ва бир-бирига тўғри келиши керак. Олинган эритма тўқ сариқ рангга эга бўлиши керак ва кучли яшил люминесценция бериши керак. Алангаси сарғаяди. Калий перманганат эритмаси рангсизланиши керак (30 дақиқа ичида).
Тиниқлилиги	ЎзРДФ, (2.2.1)	Препарат шаффоф бўлиши керак
Ранглилиги	ЎзРДФ, (2.2.2)	Препарат рангсиз бўлиши керак ёки препаратнинг ранг интенсивлиги 6Б дан ошмаслиги керак.
рН	ЎзР ДФ, (2.2.3) потенциометрик	4,0 дан 5,0 гача
Механик аралашмалар	Визуал (ЎзР ДФ, 2.9.20, УФМ 42 Уз-0006-3341-2020) Ҳисоблаш-фотометрик (ЎзР ДФ, 2.9.19, УФМ 42 Уз-0005-3340-2018)	Бўлмаслиги керак  $\geq 10$ микрондан кўп эмас 6000 заррача/ампула $\geq 25$ микрондан ортиқ эмас 600 заррача/ампула
Ёт аралашмалар	ЮССХ (2.2.29)	Номаълум ёт модда қисми 0,5 % дан ошмаслиги керак
Ампуланитўлдиришҳажми	ЎзР ДФ, (2.9.17)	Номинал ҳажмдан кам бўлмаслиги керак
Стериллиги	ЎзР ДФ (2.6.1)	Препарат стерил бўлиши керак
Бактериал эндотоксинлар	УФМ 42 Уз-0001-1010-2015, ВР, USP	0,70ЕЭ/мгдан кўп бўлмаслиги керак
Микдорини аниқлаш: - этилметилгидроксипиридин сукцинат - натрий метабисульфит	СФ (2.2.25) ЮССХ (2.2.29)  Титриметрия	0,045 г/мл дан 0,055 г/л гача  0,15 мг/мл дан 1,1 мг/мл гача
Қадоқланиши	КФМ талабига кўра	
Транспортировкалаш	ГОСТ 17768-90 талабига кўра	
Сақланиши	Ёруғликдан ҳимояланган жойда, 25°C дан ошмайдиган ҳароратда сақланади	
Сақланиш муддати	2 йил	
Фармакотерапевтик гуруҳ	Антиоксидант восита	

**«Медиофлавин» инъекцион эритмасини  
СПЕЦИФИКАЦИЯСИ**

<b>Кўрсаткич</b> <b>1</b>	<b>Усуллар</b> <b>2</b>	<b>Меъёри (спецификация)</b> <b>3</b>
Тасвирланиши	Визуал	Сариқ рангли шаффоф суюқлик
Чинлиги: рибофлавин  - N-метилглюкамин - Янтар кислота - Рибоксин - Никотинамид	СФ (2.2.25)  ЮССХ (2.2.29)	Микдорий таҳлил учун тайёрланган рибофлавин ва унинг ИСН эритмаларини ультрабинафша ютилиш спектрлари $445\pm 2$ нм. ва $373\pm 2$ нм. тўлкин узунлигида максимум бераши керак. Препарат эритмасининг хроматограммаларида N-метилглюкамин, янтар кислота, рибоксин ва никотинамид чўққиларининг ушланиш вақтлари ИСН эритмаларининг хроматограммаларида чўққиларнинг ушланиш вақтига мос келиши керак
Тиниқлиги	ЎзР ДФ, (2.2.1)	Препарат шаффоф бўлиши керак
pH	ЎзР ДФ, (2.2.3) потенциометрик	6,0 дан 7,0 гача
Ампуланитўлдириш ҳажми	ЎзР ДФ, (2.9.17)	Номинал ҳажмдан кам бўлмаслиги керак
Механик қўшимчалар	Визуал (ЎзР, ДФ 2.9.20, УФМ 42 Уз-0006-3341-2020) Ҳисоблаш-фотометрик (ЎзР ДФ. 2.9.19, УФМ 42 Уз-0005-3340-2018)	Бўлмаслиги керак  $\geq 10$ микрондан кўп эмас 6000 зарралар/ампулалар $\geq 25$ микрон кўпи билан 600 зарралар/ампулалар
Ёт аралашмалар - Гипоксантин, гуанозин - Никотин кислота - Номаълум аралашмалар	ЮССХ (2.2.29)	Умумий микдори 0,06% дан ортиқ эмас 0,0004% дан ортиқ эмас Никотинамид ва рибоксиннинг умумий чўққи майдонининг йиғиндисидан 2% дан кўп бўлмаслиги керак
Аномал токсиклик	УФМ 42 Уз-0004-2339-2016	Токсик бўлмаслиги керак
Стериллиги	ЎзР, ДФ, (2.6.1)	Препарат стерил бўлиши керак
Бактериал эндотоксинлар	УФМ 42 Уз-0001-1010-2015, ВР, USP	35 ЕЭ/мл дан кўп бўлмаслиги керак
Микдорини аниқлаш - рибофлавин - рибоксин - никотинамид - янтар кислотаси - N-метилглюкамин	СФ (2.2.25) ЮССХ (2.2.29)	0,0018 г/мл дан 0,0022 г/мл гача 0,0180 г/мл дан 0,0220 г/мл гача 0,0090 г/мл дан 0,0110 г/мл гача 0,090 г/мл дан 0,110 г/мл гача 0,1485 г/мл дан 0,1815 г/мл гача

Қадоқлаш	КФМ талабига кўра	
Транспорт	ГОСТ 17768-90 га кўра	
Сақланиши	Ёруғликдан химояланган жойда, 25°C дан ошмайдиган ҳароратда сақланади	
Сақланиш муддати	2 йил	
Фармакотерапевтик гуруҳ	Антиоксидант восита	

Ушбу тўртинчи бобда «Цераксидол» ва «Медиофлавин» инъекцион дори воситалари учун меъёрий сифат кўрсаткичларини ўзида жамлаган спецификациялар ишлаб чиқилди ва стандартланди.

## ХУЛОСА

1. Сурункали мия қон томир касалликларини даволашда самарали антиоксидант таъсирга эга маҳаллий «Цераксидол» ва «Медиофлавин» инъекцион дори воситаларини ишлаб чиқишнинг долзарблиги илмий ва амалий жиҳатдан асослаб берилди.

2. Дори воситаларни стандартлаш ва сифатини баҳолаш мақсадида замонавий инструментал таҳлил услублари ишлаб чиқилди ҳамда ЮССХ услуги ICH Q2 (R1) халқаро меъёрларига мувофиқ тўлиқ валидациядан ўтказилиб, ишончли ва такрорланувчан натижалар бериши тасдиқланди.

3. «Цераксидол» инъекцион дори воситаси таркибидаги этилметилгидроксипиридин сукцинатни аниқлаш учун СФ ва ЮССХ усуллари такомиллаштирилди. Тадқиқот натижасига кўра, модда миқдори 0,05 %, нисбий хатолик эса 2,49 % ни ташкил этди.

4. Илк бор «Медиофлавин» инъекцион дори воситаси таркибидаги янтар кислота, никотинамид, рибоксин ва N-метилглюкаминни бир вақтнинг ўзида аниқлаш имконини берувчи ЮССХ таҳлил услуги ишлаб чиқилиб, ICH Q2(R1) талабларига мувофиқ валидациядан ўтказилди. Шу билан бирга «Медиофлавин» таркибидаги рибофлавин миқдори УБ-спектрофотометрия усулида аниқланиб ўртача миқдори 0,002 % деб топилди.

5. Дори воситаларнинг тозаллиги ЮҚХ ва ЮССХ усулларида аниқланди ҳамда, улар таркибидаги органик эритувчилар миқдорини аниқлаш учун ГСХ таҳлил усули ишлаб чиқилди.

6. Тадқиқот натижалари асосида «Цераксидол» дори воситасининг корхона фармакопея мақоласи (КФМ 42Уз15098648-4935-2022) тасдиқланди, рўйхатдан ўтказилди ва тиббиётда қўллашга рухсат этилди (DV/M №04079/04/22 гувоҳнома). Мазкур дори воситасини рўйхатдан ўтказилиши уни маҳаллий ишлаб чиқариш корхонасида ишлаб чиқаришга имкон берди. «Медиофлавин» дори воситаси эса рўйхатдан ўтказиш учун ССВ ҳузуридаги «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» га тақдим этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 04/30.11.2024. FAR.188.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ОБРАЗОВАНИЯ И  
ИССЛЕДОВАНИЙ**

---

**ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ ОБРАЗОВАНИЯ И  
ИССЛЕДОВАНИЙ**

**САРВАРОВА ДИЛФУЗА МУСУРМАНОВНА**

**СТАНДАРТИЗАЦИЯ И КОНТРОЛЬ КАЧЕСТВА  
АНТИОКСИДАНТНЫХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ  
«ЦЕРАКСИДОЛ» И «МЕДИОФЛАВИН»**

**15.00.02 – фармацевтическая химия и фармакогнозия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2025**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по фармацевтическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером В 2024.2.PhD/Far134.**

Диссертация выполнена в Фармацевтическом институте образования и исследований.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.ftti.uz](http://www.ftti.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Юнусходжаева Ноди́ра Абдулхамитовна</b> доктор фармацевтических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты</b>	<b>Абдуллабекова Вилоятхон Нуриллабековна</b> доктор фармацевтических наук, профессор <b>Хусаинова Райхона Ашрафовна</b> доктор фармацевтических наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Государственное учреждение «Центр безопасности фармацевтической продукции» при Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан</b>

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 года в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.II.2024.Far. 188.01 при Фармацевтическом институте образования и исследований (Адрес: 100114, г. Ташкент, Юнусабадский район, 19- квартал, 46,48- д. Тел: (+99871) 202-05-50, e-mail: [iper@ftti.uz](mailto:iper@ftti.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Фармацевтическом институте образования и исследований (регистрационный номер \_\_\_\_\_) по адресу: 100114, г. Ташкент, Юнусабадский район, 19- квартал, 46,48- д. Тел: (+99871) 202-05-50.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 года  
(Реестр протокола № \_\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 года)

**А.Н. Юнусходжаев**  
Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.фарм.н., профессор

**Ш.Ф. Искандарова**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.фарм.н., профессор

**А.Ф. Дусматов**  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.фарм.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В связи с увеличением различных стрессовых состояний в образе жизни мирового населения, в настоящее время среди неврологических заболеваний одно из ведущих мест занимают хронические цереброваскулярные заболевания, основной клинической формой которых является дисциркуляторная энцефалопатия. Это заболевание, в свою очередь, этимологически делится на атеросклеротический, гипертензивный, смешанный и венозный типы. На практике атеросклероз головного мозга, артериальная гипертензия и их сочетания встречаются у лиц разного возраста. В связи с этим важное значение приобретает совершенствование методов анализа, разработка, стандартизация и контроль качества лекарственных средств с антиоксидантным действием на отечественных производственных предприятиях.

Среди заболеваний мира, согласно классификации сосудистых заболеваний головного мозга, проводятся научные исследования дисциркуляторной энцефалопатии, то есть прогрессирующей недостаточности кровоснабжения и изменений головного мозга а также неврологических заболеваний. Поэтому на фармацевтических предприятиях требуется разработка и внедрение в медицинскую практику качественных, безвредных и эффективных лекарственных средств антиоксидантного действия, отвечающих международным стандартам. В связи с этим особое внимание уделяется разработке и валидации методов анализа, позволяющих идентифицировать и определять количество каждого производимого лекарственного средства.

В нашей республике проводится множество реформ в фармацевтической отрасли, в том числе достигнуты определенные результаты по производству антиоксидантных препаратов, проведено много работ по расширению ассортимента высококачественных и безвредных лекарственных средств на отечественных фармацевтических предприятиях. В пункте 85 второго приложения Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы определены такие актуальные задачи, как «Увеличение объема производства продукции фармацевтической промышленности в 3 раза и доведение уровня обеспечения местного рынка до 80%»<sup>1</sup>. В связи с этим важно проводить научные исследования по получению импортозамещающих антиоксидантных препаратов на основе местного сырья с высокой эффективностью, разработке надежных и современных методов анализа для обеспечения их качества, утверждению нормативных документов для их применения в медицинской практике.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, поставленных решениями и иными нормативными правовыми актами, относящимися к фармацевтической отрасли, такими как: Указ Президента Республики Узбекистан от 23 января 2024 года № ПФ-20 «О

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 28.01.2022 г. № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы»

дополнительных мерах регулирования фармацевтической отрасли», Указ Президента Республики Узбекистан от 21 января 2022 года № ПФ-55 «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию фармацевтической промышленности республики в 2022-2026 годах», Постановление Президента Республики Узбекистан от 30 декабря 2019 года № ПП-4554 «О дополнительных мерах по углублению реформ в фармацевтической сфере Республики», Постановление Президента ПП-№ 4310 от 6 мая 2019 года «О мерах по дальнейшему развитию системы медицинского и фармацевтического образования и науки».

**Соответствие исследования приоритетным направлениями развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики VI «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** Важное значение имеют научные исследования таких узбекских ученых, как: А.Н. Юнусходжаева, Х.Г. Ганиевой, Р.А. Хусаиновой, А.Д. Тошпулатовой по производству инъекционных лекарственных средств в нашей республике, осуществлению контроля качества, определению основных действующих веществ в их составе и изучению их фармакологической активности.

Научные исследования по изучению, стандартизации и определению фармакологической активности лекарственных средств с антиоксидантным действием, а также основных действующих веществ в их составе, имеют важное значение и в мировом масштабе. Среди ученых, внесших вклад в эту область, можно отметить А. Alfadda, М. Sallam, В. J. Snow, F. L. Rolfe, М. М. Lockhart, S. A. Shetekauri, Е. Д. Жучкову, О. Ю. Щепочкину, О. А. Горошко, В. Г. Кукеса, С. Ю. Клепикову, Е. Ю. Соловьеву, М. Б. Гокжаева, С. А. Трофимову, Т. А. Воронину, А. Д. Эрлиха, Н. А. Грацианского, С. А. Румянцеву, А. А. Кравчука, Е. В. Силину, О. А. Балунова, Н. В. Леонову и других.

Настоящая диссертационная работа является первым научным исследованием по стандартизации и контролю качества инъекционных препаратов «Цераксидол» и «Медиофлавин» с антиоксидантным действием.

